

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ХОДЖИМЕТОВА ШАХНОЗА ХАСАНОВНА**

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ГИПОКСИК-ИШЕМИК  
ЭНЦЕФАЛОПАТИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР  
ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Ходжиметова Шахноза Хасановна</b> Янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг молекуляр генетик жиҳатлари.....	3
<b>Ходжиметова Шахноза Хасановна</b> Молекулярно-генетические аспекты развития гипоксически-ишемической энцефалопатии у новорожденных детей .....	23
<b>Ходжиметова Шахноза Хасановна</b> Molecular genetic aspects of the development of hypoxic-ischemic encephalopathy in newborns.....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ХОДЖИМЕТОВА ШАХНОЗА ХАСАНОВНА**

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ГИПОКСИК-ИШЕМИК  
ЭНЦЕФАЛОПАТИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР  
ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1795 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбарлар:**

**Камалов Зайнитдин Сайфутдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раҳманкулова Зухра Жандаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Абдужабарова Зульфия Муратходжаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ташкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**А.А.Суяров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда дунёнинг барча мамлакатларида янги туғилган чақалоқларда миянинг ишемик шикастланиши муаммоси долзарблигича қолмоқда. Хозирги вақтда гипоксик-ишемик энцефалопатияни ташхислаш ва даволаш соҳасида эришилган ютуқлар ва ташкилий-тиббий чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, унинг учраши анча юқори даражада қолмоқда. Бугунги кунда ЖССТ маълумотларига кўра, «... болаларнинг тахминан 20% невропсихиатрик касалликлардан азият чекмоқда, уларнинг келиб чиқишига 65-80% ҳолатларда перинатал мия жароҳатлари сабаб бўлмоқда»<sup>1</sup>. Шунини таъкидлаш лозимки, ишемик мия шикастланиши билан юқори ўлим қайд этилиши, эрта болалик даврида мия дисфункцияси, болалар церебрал фалажи, эпилепсия каби касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида болаларда, айниқса янги туғилган чақалоқларда миянинг ишемик шикастланишининг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммуногенетик жиҳатларини аниқлаш, даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқларда миянинг ишемик шикастланишининг келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касалликда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, патологиянинг муҳим иммуногенетик маркерларни аниқлаш, оғир кўринишлари клиник кечиши механизмларни аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда гипоксик-ишемик энцефалопатия шаклланиши хавфини эрта ташхислаш, олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш, ҳамда керакли профилактик чора-тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан янги туғилган чақалоқларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг клиник ҳусусиятларини ва

<sup>1</sup> Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти: <https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail> (01.12.2020)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

иммуногенетик прогнозлаш маркерларини аниқлаш ҳамда олиб даволашга янги дифференциал ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513 сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган»

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга келиб, ГИЭ ривожланишининг кўплаб патогенетик механизмлари яъни охир-оқибат мия нейронларининг шишиши ва ўлимига олиб келиши ўрганилган. Марказий асаб тизимида микроглия томонидан ишлаб чиқариладиган яллиғланишга хос ва қарши цитокинларни фаолиятини аниқлаш муҳим рол ўйнайди (Панечка А.С., Панова М.С. 2020; Шейбак Л.Н., 2015). Улар организмнинг гематопозетик, иммун ва бошқа гомеостатик тизимларида хужайра элементларининг кўпайиши ва дифференциацияси жараёнларини бошқарувчи воситачиларини универсал тартибга солувчи тизимидир (Князева А.С., 2015; Панченко А.С., Панова М.С., 2019).

Шундай қилиб, кўплаб хорижий муаллифларнинг тадқиқотларига кўра, ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8, TNF $\alpha$  каби баъзи интерлейкинлар (ИЛ) таркибидаги сезиларли ўсиш кузатилмоқда, шунингдек, яллиғланишга қарши цитокинлар билан уларнинг номутаносиблиги мия ишемик шикастланишининг оғирлиги билан боғлиқ бўлиб, болаларда оғир неврологик оқибатларни олдиндан белгилаб беради. (Sävman K, Blennow M., Hagberg H., 2007; Ешмолов С. Н., Ситников И. Г., Мельникова И. М., 2018) Мия ишемияси бўлган болаларда ИЛ-1 $\beta$  нинг юқори миқдори унинг дастлабки гипоксик нейро-зарардан кейин мияда маҳаллий ўзгаришлар қолишини кўрсатади. (Gabriel ML, Braga F.V., Cardoso M.R., 2016)

Фан ривожланишининг ҳозирги босқичида цитокинлар фаоллигини бошқарувчи генларни ўрганиш жадал ривожланмоқда. Ушбу тадқиқотлар гипоксик-ишемик энцефалопатия патогенезида кўпроқ боғланишларни очиб беради ва эрта босқичларда касалликка мойилликни аниқлайди, бу эса

зарарланишни олдиндан билиш, патологиянинг ривожланиши ёки унинг кечишининг оғирлиги ва маълум бир бемор учун алоҳида терапияни индивидуал равишда танлаш имконини беради. Интерлейкин генлари ўта юқори даражада полиморфизмга эга ва бир гендаги полиморф ҳудудлар сони бир нечта ўнгача етиши мумкин. (Пузырева Л.В., Сафонов А.Д., 2016).

Ҳозирда мавжуд бўлган маълумотлар ген полиморфизмларининг турли патологиялар, шу жумладан МНС жароҳатлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади ва касалликлар диагностикасида маркер сифатида ишлатилиши мумкин, бу эса қўшимча ўрганишни талаб қилади. (Wu YW, Croen LA, Torres AR, 2009). Шу муносабат билан ГИЭда цитокинлар ва уларни бошқарувчи генларини бир вақтнинг ўзида ва комплекс аниқлаш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб муаммодир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Янги туғилган чақалоқларда гипоксияси-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) ривожланишида цитокинларнинг роли» ва «Гипоксик-ишемик энцефалопатия билан эрта туғилган чақалоқларда ИЛ-1 $\beta$ ; ИЛ-10 ва TNF $\alpha$  цитокинлари генлари полиморфизми хусусиятларини аниқлаш» (2021–2022йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг клиник-иммунологик ва молекуляр генетик жиҳатларини аниқлашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги туғилган чақалоқларда ГИЭ нинг оғирлигига қараб устувор хавф омилларини, клиник ва нейровизуал хусусиятларини аниқлаш;

янги туғилган чақалоқларда ГИЭ патогенезида ялиғланишга хос (ИЛ-1 $\beta$ , TNF $\alpha$ ) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар фаолиятини баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларда ГИЭ ривожланишида цитокинларнинг (ИЛ-1 $\beta$ , TNF $\alpha$ , ИЛ-10) генетик полиморфизмларини аниқлаш;

янги туғилган чақалоқларда ГИЭ кечишининг турли даражали оғирликларини иммунташхислаш учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2022 йилларда 5-сон шаҳар болалар клиник шифохонаси ва 1-сонли шаҳар перинатал маркази назоратида бўлган 215 нафар она ва уларнинг чақалоқлари, улардан 120 нафари гипоксик-ишемик энцефалопатия ташхиси билан ҳамда 95 нафар амалий соғлом туғилган чақалоқлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида янги туғилган чақалоқлар киндик ва периферик қони ва қон зардоби иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор янги туғилган чақалоқларда 3-даражали гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланиши перинатал хавф омиллари (эклампсия, хомилани тушиб қолиш таҳдиди, фетоплацентар етишмовчилик, йўлдошни аввал кўчиши, киндик ўқини ўралиши) ва онанинг касалликлари (анемия, TORCH-инфекция, COVID-19) билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

илк бор гипоксик-ишемик энцефалопатиянинг ўткир даврида умумий сўниш доминантлиги, оғир ҳолатларида эса талваса синдроми, гипертензион-гидроцефаллик синдром, мия шиши, вентрикуломегалиянинг пайдо бўлиши салбий прогностик омил эканлиги исботланган;

илк бор гипоксик-ишемик энцефалопатияли янги туғилган чақалоқларда киндик ва веноз қондаги яллиғланишга ҳос ва қарши цитокинлар (ИЛ-1 $\beta$ , TNF $\alpha$  ва ИЛ-10) миқдорларининг соғлом чақалоқларга нисбатан ишонарли юқорилиги яллиғланиш фаоллиги кучайиши ва нейрозарарланиш ривожланишига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

илк бор янги туғилган чақалоқларда ИЛ-1-511Т/С Т ва Т/Т ҳамда TNF- $\alpha$ -308(G/A) А ва G/A аллел ва генотипларининг учраши оғир мия ишемиясининг ривожланишида салбий прогностик омил, аксинча, шу генларнинг С аллели ва GG генотипининг учраши гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишига резистентлик омилларидан эканлиги исботланган;

илк бор гипоксик-ишемик энцефалопатияда ИЛ-10 G-1082A (rs1800896) генининг полиморф аллеллари ва генотиплари тақсимланишида GA генотиби учраши даражасининг ортиши, касалликнинг оғир шакли ривожланишига, аксинча, GG генотиби эса касалликка резистентлик ривожланиши билан узвий боғлиқлиги аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишида перинатал хавф омиллари ва онанинг касалликлари муҳим аҳамиятга эгалиги исботланган;

янги туғилган гипоксик-ишемик энцефалопатияли чақалоқларда яллиғланишга ҳос ва қарши (ИЛ-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  ва ИЛ-10) цитокинлар миқдорини аниқлаш асосланган;

янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишида цитокинларнинг ИЛ-1 $\beta$  511Т/С TNF- $\alpha$  308(G/A) ва ИЛ-10 G-1082A генетик полиморфизмларини аниқлаш зарурлиги асосланган;

янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия кечишининг турли даражали оғирликларини иммунташхислаш учун компьютер дастурини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар

ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишида киндик ва веноз қондаги яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар (ИЛ-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  ва ИЛ-10) миқдорларининг юқорилиги яллиғланиш фаоллиги кучайиши ва нейрозарарланиш ривожланишига тўғри пропорционал боғлиқлиги, ИЛ-1-511Т/С Т ва Т/Т, TNF- $\alpha$  -308(Г/А) А ва Г/А ИЛ-10 G-1082A (rs1800896) GA полиморф аллеллари ва генотипларининг учраши оғир мия ишемиясининг ривожланишида салбий прогностик омил, аксинча, шу генларнинг С, G аллели ва GG генотипининг учраши ГИЭ патологиянинг ривожланишига резистентлик омилларидан эканлиги исботланганлиги касалликнинг молекуляр-генетик асослари ҳамда патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишида перинатал хавф омиллари ва онанинг касалликларини муҳим аҳамиятга эгаллиги исботланганлиги, яллиғланишга хос ва қарши (ИЛ-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  ва ИЛ-10) цитокинлар миқдорини аниқлашга асосланганлиги, патология кечишининг турли даражали оғирликларини иммунташхислаш учун компьютер дастурини ишлаб чиқилганлиги касаллик асоратларини олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг молекуляр генетик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия шаклланишини прогнозлаш асосида ишлаб чиқилган «Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда турли даражадаги гипоксик-ишемик энцефалопатия шаклланишининг прогностик хавф омиллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 апрелдаги 8н-з/195-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия шаклланиш хавфи пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташхислаш ва олдини олишга хизмат қилган;

янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг молекуляр генетик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика перинатал маркази ва Бухоро вилояти перинатал маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 ноябрдаги 08-37849-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатияни ривожланиш хавфини иммуногенетик кўрсаткичлар асосида эрта ташхислаш

ва олдини олиш, олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, тўғри даволаш тактикасини кўллаш ҳисобига асоратларини камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳилиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилади, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилади, натижалар тадқиқот амалиётига татбиқ этилади, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилади.

Диссертациянинг «**Янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишига замонавий қарашлар (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар кўриб чиқилади. Диссертациянинг адабиёт шарҳида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари асосида янги туғилган чақалоқларда ГИЭ ҳақида замонавий ғоялар, ГИЭ ривожланишидаги яллиғланишга олиб келувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг роли ҳамда уларнинг маҳсулотларини кодловчи генларнинг генетик полиморфизми ёритилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён қилинган. 5-Шаҳар болалар шифохонаси ва 1-сонли шаҳар Перинатал маркази янги туғилган чақалоқлар патологияси бўлимларида клиник тадқиқотлар ўтказилди. Иммунологик ва генетик тадқиқотлар Иммунология ва инсон геномикаси институтида ўтказилди.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун 215 нафар она ва уларнинг янги туғилган чақалоқларини кўриқдан ўтказдик, улар асосий ва назорат гуруҳларига бўлинган. Асосий гуруҳга гипоксик-ишемик генезли неонатал энцефалопатиясининг асосий клиник ташхиси бўлган 120 та эрта туғилган чақалоқлар киритилган (ИСД-10: П 91.0). Ишда Н.В. Sarnat и М.С. Sarnat, нинг 1976 йил таснифидан фойдаланилган. Марказий асаб тизимининг гипоксик

шикастланишининг оғирлигига қараб, янги туғилган чақалоқлар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ (№-39) - 1-даражали ГИЭ (енгил) бўлган янги туғилган чақалоқлар; 2-гуруҳ (№-37) - 2-даражали ГИЭ билан янги туғилган чақалоқлар (ўртача оғирлик); 3-гуруҳ (№-44) - ГИЭ 3-даражали янги туғилган чақалоқлар (оғир).

Назорат гуруҳида ҳомиладорлик яхши ўтган, туғилишда Апгар кўрсаткичи нормал, ҳомила ичи гипоксиясиз оналар томонидан туғилган, мослашувнинг дастлабки давридаги деярли соғлом 95 та янги туғилган чақалоқлар мавжуд.

Боланинг етуклик даражасини акс эттирувчи ҳомиладорлик даври морфологик хусусиятларга, мия шикастланишининг локализациясига ва неонатал даврда патологик ҳолатларнинг табиатига таъсир қилишини ҳисобга олиб, биз кузатилган янги туғилган чақалоқларнинг ҳомиладорлик даврини таҳлил қилдик. Шундай қилиб, 1-гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг ўртача ҳомиладорлик ёши  $36,0 \pm 0,2$ , 2-чи -  $35,5 \pm 0,3$  ва  $3-34,3 \pm 0,2$  ҳафта.

Асосий гуруҳда ҳаётнинг 1-дақиқасида энг юқори Апгар кўрсаткичлари 1-даражали ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқларда бўлган ва  $6,0 \pm 0,2$  баллни, ҳаётнинг 5-дақиқасида  $7,3 \pm 0,1$  баллни, 2-гуруҳда бу кўрсаткичлар бироз пастроқ -  $5,8 \pm 0,1$  ва  $6,7 \pm 0,2$  эди. Апгар бўйича энг паст кўрсаткичлар 3-синфдаги ГИЭ бўлган болаларда аниқланди - 1-дақиқада  $3,7 \pm 0,3$  ва 5-дақиқада  $5,2 \pm 0,3$ , назорат гуруҳида эса  $7,7 \pm 0,1$  ва  $8,7 \pm 0,1$  ни ташкил этди. Кузатилган болаларнинг жисмоний ривожланишини таҳлил қилганда, 1-гуруҳ болаларида туғилишдаги ўртача тана вазни бироз кўпроқ эканлиги ( $2306,1 \pm 36,2$  гр) аниқланди, 2- ( $2233,7 \pm 54,6$  гр) ва 3-гуруҳларда ( $2025,9 \pm 103,4$  гр) сезиларли фарқлар топилмади. 2 ва 3-гуруҳларнинг янги туғилган чақалоқларида ўртача тана узунлиги деярли бир хил эди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, уларнинг ҳомиладорлик ёшига кўра, жисмоний ривожланишига кўра, кузатилган эрта туғилган чақалоқларда сезиларли фарқлар йўқ эди, бу кейинги тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида ушбу болалар гуруҳларини солиштириш мумкин деб ҳисоблаш имконини беради.

Клиник ва анамнестик тадқиқотлар ўтказиш учун туғилиш тарихи, янги туғилган чақалоқларнинг ривожланиш тарихи ва янги туғилган чақалоқларнинг касаллик тарихи таҳлил қилинди. Оналар саломатлиги ҳолати ўрганилди, уларнинг акушерлик-гинекологик тарихи, ҳомиладорлик ва туғиш жараёни таҳлил қилинди. Янги туғилган чақалоқларнинг клиник мониторинги динамикада, бутун неонатал даврда амалга оширилди. Ички аъзолар тизимлар бўйича текширилди, физиологик ва патологик рефлексларни баҳолаш билан неврологик ҳолат текширилди.

Иммунологик тадқиқот объекти янги туғилган чақалоқларнинг киндик тизимчасидаги ва веноз қони эди. Цитокинларни аниқлаш учун тест тизимининг ишлаш принтсипи ("Вектор-Бест" ЗАО, Новосибирск) индикатор ферменти сифатида хрен алколоид пероксидазасидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунотаҳлил усулига асосланган. Иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти

(лаборатория мудир, тиббиёт фанлари доктори, проф. Камалов З.С.) қошидаги иммунорегуляция лабораториясида ўтказилди.

Генетик тадқиқот объекти ГИЭ билан янги туғилган чақалоқлар киндик ва веноз кон таҳлилари. Генетик тадқиқотлар ПЦР ёрдамида кейинги таҳлил қилиш учун клиник материалдан умумий ДНКни олиш йўли билан амалга оширилди. Инсон геномидаги полиморфизмларни аниқлаш ПЦР "SNP-экспресс" ёрдамида амалга оширилди, сўнгра махсулотларни электрофоретик аниқлаш. Генетика тадқиқотлари АН РУз Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Хужайра терапияси бўлимида (катта илмий ходим, тиббиёт фанлари доктори Рузибакиева М.Р.) ўтказилди.

5-шаҳар болалар шифохонасида врач Салихова З.Х.нинг маслаҳати билан нейросонография (НСГ) ва қорин бўшлиғи органларининг ултратовуш текшируви ўтказилди. Тадқиқотлар реал вақт режимида SONOSCOPE SSI – 6000 қурилмаси ёрдамида 5-7 МГц конвексли датчик, 5-10 МГц чизикли датчик ва 3-5 МГц секторли датчик ёрдамида фронтал ва сагиттал текисликларда стандарт бўлимларда мияни ликилдоқлар орқали ултратовушли сканерлаш амалга оширилди.

Олинган маълумотларнинг натижалари EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлар бўйича, статистик функсиялардан фойдаланган ҳолда, Студент мезони (t), хатолик эҳтимоли (P) ҳисобланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди. Хавф омили мавжудлигига қараб натижаларнинг частотаси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган фавқулодда вазиятлар жадвалларини таҳлил қилиш учун 95% ишонч оралиғини (CI) ҳисоблаш билан Пирсон  $\chi^2$  тести ва оддий нисбати (OR) (Cornfield J.A. 1951) ишлатилган.

Диссертациянинг «**Эрта туғилган чақалоқларда перинатал хавф омиллари ва ГИЭ кечишининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида оналарнинг акушерлик анамнези, турли оғирликдаги ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқларда антенатал хавф омиллари таҳлили ўтказилди. Текширувдан ўтган янги туғилган чақалоқлар кўпинча оғир акушерлик анамнези бўлган оналардан туғилган. 1-гуруҳдаги оналарнинг ўртача ёши  $25,6 \pm 0,7$  ёш, 2-гуруҳда  $29,6 \pm 0,8$  ёш, 3-гуруҳда  $32,3 \pm 1,2$  ёш, назорат гуруҳида  $20,1 \pm 0,3$  ёшни ташкил этди. Оналар касалланиши таркибида 1-гуруҳдаги аёлларнинг  $18,0 \pm 6,1$  фоизи сурункали соматик касалликларга чалинганлиги, 2-гуруҳда эса  $39,3 \pm 8,1$  фоизи, 3-гуруҳда  $51,4 \pm 8,4$  фоизи аниқланган. Иш давомида биз ГИЭ билан касалланган янги туғилган чақалоқларда оғирлик даражасига қараб хавф омилларини таҳлил қилдик. Ҳомиладорлик ва туғилишнинг асоратлари орасида эклампсия (ОШ=8,3; 95% ДИ 3,0; 26,1;  $P < 0,001$ ), аборт бўлиш хавфи (ОШ=8,0; 95% ДИ 2,3; 24,0;  $P < 0,001$ ), фетоплацентар етишмовчилик (ОШ=7,0; 95% ДИ 2,2; 21,1;  $P < 0,001$ ), кам сувлилик (ОШ=5,0; 95% ДИ 1,2 ; 18,0;  $P < 0,01$ ) каби хавф омиллари 1-даражали ГИЭ шаклланиши учун энг катта аҳамиятга эга эди.

Оналар касалликлари орасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ОШ=5,0; 95% ДИ 1,0; 4,1;  $P < 0,001$ ) 1-даражали ГИЭ ривожланиши учун энг


катта аҳамиятга эга эди. Ушбу гуруҳда бир нечта хавф омилларининг комбинацияси  $58,9 \pm 1,3\%$  оналарда топилган.

ГИЭ 2 даражаси шакллантириш учун хавф омилларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, таҳлил қилинган барча 18 та хавф омиллари муҳим ва улардан 12 таси юқори даражада аҳамиятга эга ( $P < 0,001$ ). Ҳомиладорлик ва туғишнинг асоратлари орасида энг катта хавф эклампсия каби омиллар билан таъминланган, бу эса 2-даражали ГИЭ ривожланиш эҳтимолини дарҳол 20,3 бараварга оширди (ИН=20,3; 95% ИО 5,9; 69,6;  $P < 0,001$ ), аборт қилиш таҳдиди ва платсента етишмовчилиги 17,4 марта (ИН=17,1; 95% ИО 5,2; 58,4;  $P < 0,001$ ), платсентанинг муддатидан олдин ажралиб чиқиши 14,5 марта (ИН=14,5; 95% ИО 1,8; 12,0;  $P < 0,001$  марта), киндикга уралиш 10,2 марта (ИН =10,2; 95% ИО 2,1; 49,3;  $P < 0,001$ ). Оналар касалликлари орасида энг юқори хавф анемия билан боғлиқ бўлиб, бу 2-даражали ГИЭ ривожланиш эҳтимолини 9,0 баробарга оширди (ИН=9,0; 95% ИО 2,6; 3,1;  $P < 0,001$ ).

Кейинчалик, биз 3-даражали ГИЭ ривожланишидаги хавф омилларини таҳлил қилдик. Хавф омилларини таҳлил қилганда, 18 та омилдан 16 таси юқори даражадаги ишонччиликка эга эканлиги маълум бўлди. Янги туғилган чақалоқларда 3-даражали ГИЭ ривожланишининг энг катта хавфи бўлган омиллар орасида аборт қилиш хавфи мавжуд бўлиб, бу имкониятни 61,9 марта (ИН = 61,9; 95% ИО 13,5; 28,2;  $P < 0,001$ ), эклампсия ва ФПЕ (ИН. =44,9; 95% СИ 10,9; 183,9;  $P < 0,001$ ), плацентанинг ажралиши (ИН =19,5; 95% ИО 2,3; 159,9;  $P < 0,001$ ), ифлосланган ва лойқа амниотик суюқлик (ИН =16,3; 95% ИО 4,6; 57,7;  $P < 0,001$ ), кам сувлилик (ИН = 15,5; 95% ИО 3,9; 60,7;  $P < 0,001$ ) ва киндикга ўралиши (ИН = 13,5; 95% ИО 2,7; 65,1;  $P < 0,001$ ). Оналар ўтқизган касалликлар ичида анемия энг юқори хавф омилли хисобланиб 3-даражали ГИЭ ривожланишини 38,2 бараварга оширди (ИН = 38,2; 95% ИО 4,7; 312,0;  $P < 0,001$ ), COVID-19 27,8 марта (ИН =13,9; 95% ИО 3,4; 216,4;  $P < 0,001$ ). Онада ХИИ мавжудлиги 3-даражали ГИЭ ривожланиш эҳтимолини 16,9 мартага (ИН =16,9; 95% ИО 3,5; 81,8;  $P < 0,001$ ), гинекологик касалликларни 15,1 мартага (ИН= 15,1, 95% ИО 1,8125,2  $P < 0,001$ ) оширди. Шу билан бирга, биз 3-даражали ГИЭ билан эрта туғилган чақалоқларни дунёга келтирган деярли барча аёлларда -  $97,1 \pm 5,3\%$  да бир вақтнинг ўзида бир нечта хавф омилларининг комбинацияси мавжудлиги аниқладик.

Ушбу бобда янги туғилган чақалоқларда ГИЭ клиник кечишининг оғирлигига қараб хусусиятлари ҳам келтирилган. Биз кузатган янги туғилган чақалоқларда неврологик синдромларнинг пайдо бўлиш частотасини ГИЭ оғирлигига қараб таҳлил қилдик. Бизнинг тадқиқотларимиз (1-расм) ўткир даврда барча болаларда умумий суниш синдроми доминантлик қилганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, болаларда энгил даражадаги ГИЭ билан бу синдром  $53,0 \pm 8,0\%$  болаларда, ўртача оғирликда  $75,0 \pm 7,2\%$  ва оғир ҳолатларда янги туғилган чақалоқларнинг  $94,3 \pm 3,9\%$  да кузатилган. Нейро-рефлектор кўзғалувчанлигининг кучайиши синдроми энгил ГИЭ билан янги туғилган чақалоқларнинг атиги  $12,8 \pm 5,3\%$  да, ўртача даражада -  $22,2 \pm 6,9\%$  ва оғир даражада - болаларнинг учдан бирида -  $31,4 \pm 7,9\%$  аниқланди. Энг юқори

частотали талваса синдром оғир ГИЭ билан касаланган болаларда  $25,7 \pm 7,4\%$  кузатилган, енгил ва ўртача даражада - фақат айрим ҳолларда ( $2,6 \pm 2,5\%$  ва  $5,6 \pm 3,8\%$ ). Гипертензион гидроцефалик синдроми эса оғир ГИЭ билан касаланган болаларнинг  $1/5$  қисмида -  $20,0 \pm 6,8\%$  да кузатилган. Барча гуруҳлардаги ГИЭ билан касаланган болаларда, айниқса оғир ҳолатларда ( $88,6 \pm 5,3\%$ ), бир нечта синдромларнинг бирга келиши мавжудлиги ва уларнинг босқичма-босқич ўзгариши билан ажралиб туради. Шундай қилиб, сунитш синдроми камайиши билан нейро-рефлектор қўзғалиш синдроми, талваса синдроми ва вегетатив-вицерал синдроми кучайган.



### 1-расм. ГИЭ билан туғилган чақалоқларда асаб тизими жароҳатланиш синдромлари учраш даражасининг қиёсий тавсифлари

Бизнинг тадқиқотларимизда 1-даражали ҚИҚҚ  $11,1 \pm 5,2\%$  ҳолларда ўртача ГИЭ бўлган болаларда учради. Оғир ҳолатларда янги туғилган чақалоқларнинг  $8,6 \pm 4,7$  фоизда ҚИҚҚ (қоринчалар ичи қон қуйилиши) II даражали ва  $17,1 \pm 6,4$  фоизда ҚИҚҚ III даражали, беморларнинг  $14,3 \pm 8,3$  фоизда перивентрикуляр лейкомаласия (ПВЛ) аниқланган бўлиб, бу янги туғилган чақалоқларда мия ярим шарлари оқ моддасининг перивентрикуляр жойларида некроз ўчоқларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1-гуруҳдаги 14-15 кунлик ҳаётдаги болаларни динамикада кузатганда, НСГда болаларнинг аксарияти яхшиланишни кўрсатди -  $71,8 \pm 7,2\%$ , 2-гуруҳда - болаларнинг ярмида -  $50,0 \pm 8,3\%$ , 3-гуруҳда - болаларнинг учдан бирида -  $31,4 \pm 7,8\%$ . 1-гуруҳдаги СЭК 1 фақат битта болада қайд этилган, 2-гуруҳда иккинчисининг частотаси  $22,2 \pm 6,9\%$  гача кўтарилган ва 3-гуруҳда улар иккита болада пайдо бўлган. Ҳаётнинг 2-ҳафтасида ҚИҚҚ II-III даражали оғир шаклдаги частотаси бироз пасайди, мос равишда  $5,7 \pm 3,9\%$  ва  $14,3 \pm 5,9\%$  гача, аммо ПВЛ кўпроқ болаларда -  $22,9 \pm 7,1\%$  ни ташкил этди. Оғир шаклда, ҳаётнинг 2-ҳафтасида мия шиши бўлган болалар сони  $5,7 \pm 3,9\%$  гача сезиларли даражада камайди. Шу билан бирга,

прогрессив вентрикуломегалия ва иккиламчи гидроцефалия билан оғриган болалар сони анча юқори -  $14,3 \pm 5,9\%$ .

Тадқиқотларимизда биз ҳаётнинг биринчи ой охиригача оғир ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқларда тизимли ўзгаришлар динамикасини таҳлил қилдик. Расмда бу вақтга келиб маълум бўлдики кузатилган янги туғилган чақалоқларда нейросонографияда яхшиланиш  $45,7 \pm 8,4\%$  болаларда қайд этилган.


Шундай қилиб, ГИЭ билан туғилган чақалоқларда, оғирлик даражасига қараб, эрта неонатал даврда ва динамикада, ҳамда кеч неонатал даврда, миядаги структуравий ўзгаришларни нейросонографияда баҳолаш, МНТ оғирлик даражасини кучайиши хисобига жароҳатланганлик даражадасини кўрсатиб беради. Мия шикастланишининг турини аниқлаш учун миянинг қоринча тизимининг кенгайишини оғир нейросонографик белгиларнинг динамикасини кузатиш керак.

Диссертациянинг «**Янги туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия патогенезининг иммунологик жихатлари**» деб номланган тўртинчи ГИЭ билан туғилган чақалоқларда цитокинлар таркибини ўрганиш натижалари келтирилган. Иш жараёнида 105 та янги туғилган чақалоқларда иммунологик тадқиқотлар ўтказилди, улардан 75 нафари гипоксик-ишемик энцефалопатия билан оғриган асосий гуруҳдан ва 30 нафар бола назорат гуруҳидан эди. Асосий гуруҳ болалари орасида 25 нафар янги туғилган чақалоқлар ГИЭ 1-даражали (енгил), 27 нафари 2-даражали (ўрта оғирликдаги) ва 23 нафари 3-даражали (оғир) ГИЭ билан касалланган. Назорат гуруҳи 30 та соғлом янги туғилган чақалоқдан иборат эди.


Бизнинг тадқиқотларимиз янги туғилган чақалоқлар гуруҳида 3 даража ГИЭ бўлган гуруҳда 4,2 марта, 2 даража ГИЭ бўлган гуруҳда 2,9 баравар ва 1 даражали гуруҳда киндик қон зардобидида ИЛ-1  $\beta$  концентрациясининг энг сезиларли ўсишини аниқлади. 3 -ГИЭ даражаси 4,2 марта, назорат гуруҳи билан солиштирганда 2,1 марта (3 даража  $879,9 \pm 15,51$  пг/мл, 2-даража  $615,7 \pm 16,93$  пг/мл, 1-даража  $448,3 \pm 23,90$  пг/мл ва  $208,37$  пг/мл)  $\pm$  ( $P < 0,001$ ) (2-расм).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ГИЭ 3-даражали болаларда ИЛ-1 $\beta$  миқдори ГИЭ 1-даражасига эга бўлган болаларга нисбатан 1,9 баравар ва ГИЭ 2-даражали болаларга нисбатан 1,4 баравар юқори.

ИЛ-1 $\beta$  таркибини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўтказилган ГИЭ нинг оғирлигига қараб, унинг концентрацияси ошади, яъни пастда кўрсатилгандек (3-расм). Шундай қилиб, эрта неонатал даврда веноз қон зардобидидаги ИЛ-1  $\beta$  даражаси назоратдан сезиларли даражада юқори бўлган, шунингдек, барча кузатилган гуруҳларда, айниқса, 3 даражали янги туғилган чақалоқларда киндик қонини ўрганишда, ўртача  $892,4 \pm 21,63$  пг/мл, 2 даражали ГИЭ бўлган гуруҳда -  $628,3 \pm 18,48$  пг/мл, 1 даражали ГИЭ бўлган гуруҳда -  $453,4 \pm 8,64$  пг/мл, назорат гуруҳида эса бу цитокиннинг концентрацияси  $211,2 \pm 5,66$  пг/мл ни ташкил этди.



**2-расм. Янги туғилган чақалоқлар киндик қон зардобида ИЛ-1 β миқдори, пг / мл.**



**3-расм. Янги туғилган чақалоқлар вена қон зардобида ИЛ-1 β миқдори пг / мл.**

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи яллиғланиш реакциясининг муҳим воситачиларидан бири бўлган TNF-α синтез даражасини ўрганиш эди.

Киндик қонидаги таркибдаги TNF-α баҳолашда –бу медиаторнинг даражаси барча ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳларида сезиларли даражада ошганлиги ва 3-даражали ГИЭ бўлган болаларда у назорат гуруҳига қараганда 3,4 баравар юқори эканлиги аниқланди ( $72,8 \pm 2,76$  пг /мл га нисбатан  $21,1 \pm 0,63$  пг/мл,  $P < 0,001$ ). Назоратда, 2-даражали ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқларда - назорат гуруҳига нисбатан 2,7 баравар юқори ( $57,6 \pm 0,72$  пг/мл га нисбатан  $21,1 \pm 0,63$  пг/мл назоратда,  $P < 0,001$ ).), 1-синфдаги болаларда назорат гуруҳига қараганда деярли 1,9 баравар юқори ( $39,7 \pm 1,69$  пг / мл га нисбатан  $21,1 \pm 0,63$  пг / мл,  $P < 0,001$ ).

Маълумотларни таҳлил қилиш TNF-α - эрта неонатал даврда веноз қонда бир хил динамикани кўрсатди, унинг зардобидаги даражаси ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқларда кўтарилди, максимал қиймат 3 даражали гуруҳда ( $76,2 \pm 2,65$  пг / мл,  $23,3 \pm 1,55$  пг / мл га нисбатан,  $P < 0,001$ ). 2-даражали ( $61,5 \pm 3,02$  пг/мл) ( $P < 0,001$ ) ва 1-даражали ГИЭ ( $41,8 \pm 1,50$  пг/мл) ( $P < 0,001$ .) билан солиштирганда (4-расм)



**4-расм. Янги туғилган чақалоқлар қон зардобида TNF-α миқдорининг қиёсий кўрсаткичлари, пг/мл.**

Янги туғилган чақалоқларнинг қон зардобидаги яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 концентрацияси даражасининг оғирлигига қараб таҳлил қилинди. Таъкидланишича, ИЛ-10 киндик қони ҳам ГИЭ билан кузатилган янги туғилган чақалоқларнинг барча гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган. Шундай қилиб, 3-даражали ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳида ИЛ-10 даражаси ўртача  $41,3 \pm 1,47$  пг / мл ни, 2-да -  $23,3 \pm 0,85$  пг / мл ни ва 1-да -  $19,7 \pm 0,53$  пг / мл ни ташкил этди. Назорат гуруҳида  $3,2 \pm 0,20$  пг/мл ( $P < 0,001$ ).

Олинган маълумотларнинг таҳлили ҳаётнинг эрта неонатал даврида веноз қондаги ИЛ-10 концентрациясининг озгина ўзгаришини аниқлади. ИЛ-10 нинг юқори миқдори, киндик қонидаги бошланғич таркибга нисбатан, эрта неонатал даврда 3 даражали ГИЭ бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳида қайд этилган -  $49,3 \pm 1,90$  пг/мл ( $P < 0,001$ ), бу МНТ шикастланишининг оғирлиги ва оғир неврологик натижани кўрсатади.

#### 1-жадвал.

#### Турли оғирлик даражасидаги ГИЭ билан туғилган чақалоқларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорлари ўртасидаги нисбат коэффицентлари.

коэффитциентлар	Назорат гуруҳ (n=39)	енгил даражаси (n=26)	Ўртача даража (n=27)	оғир даража (n=36)
ИЛ-1β / ИЛ-10	60.0	40.1	32.0	18.1
TNF-α / ИЛ-10	6.7	3.7	3.1	1.5

ГИЭ 2-даражали янги туғилган чақалоқлар гуруҳида эрта неонатал даврда ИЛ-10 концентрацияси туғилишдаги бошланғич қийматларга ( $19,6 \pm 0,92$  пг / мл) нисбатан деярли 1,2 баравар камайди ( $P < 0,001$ ). 1-даражали ГИЕ бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳида ИЛ-10 даражаси ҳам бошланғич кўрсаткичларга нисбатан 1,7 баравар камайган ва ўртача  $11,3 \pm 0,60$  пг/мл ( $P < 0,001$ ) ни ташкил этган.

Биз яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбат коэффицентларини таҳлил қилдик. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, касалликнинг оғирлиги ошгани сайин, бу коэффицентларнинг назоратга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилади (1-жадвал).

Шундай қилиб, енгил даражадаги оғирлик даражаси бўлган болаларда ИЛ-1β / ИЛ-10 коэффиенти қиймати 1,5 баравар, ўртача даражада - 1,9 баравар, оғир даражада - 3,3 баравар назоратга нисбатан камайдди. TNF-α / ИЛ-10 коэффиенти қиймати енгил даражада - 1,8 марта, ўртача - оғир - 2,1 баравар, оғир - 4,5 баравар ортиши билан сезиларли даражада камайдди. Олинган маълумотлар ГИЭ билан янги туғилган чақалоқларда яллиғланишга олиб келувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқаришда аниқ номутаносибликни кўрсатади, айниқса хавф

кўрсаткичлари сифатида ишлатилиши мумкин бўлган ўртача ва оғир оғирликда. Шундай қилиб, яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ИЛ-1 $\beta$ /ИЛ-10>1,9 марта ва TNF- $\alpha$  /ИЛ-10>2,1 марта концентрацияси ўртасидаги нисбатнинг пасайиши цитокин мувозанатининг бузилишидан далолат беради. ИЛ-1 $\beta$ /ИЛ-10>3,3 ва TNF- $\alpha$  /ИЛ-10>4,5 коэффициентларини қийматларини камайтиши, 3 марта ва марта, критик деб ҳисоблаш керак. Ушбу коэффициентлар ГИЭ билан туғилган чақалоқларнинг аҳволи ёмонлашиши учун прогностик мезон сифатида ишлатилиши мумкин.

Биз гипоксик-ишемик энцефалопатия билан ўзбек миллатига мансуб янги туғилган чақалоқларни иммунодиагностика қилиш бўйича электрон дастур ишлаб чиқдик. Ушбу дастурга баъзи иммунологик кўрсаткичлар, яъни яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-1 ва TNF- $\alpha$ ) киргизганимизда, улар янги туғилган чақалоқларда гипоксико-ишемик энцефалопатиянинг оғирлик даражасини аниқлаб беради.

Электрон иммунодиагностикаси бўйича ишлаб чиқилган дастур кейинчалик даволаш-диагностика тадбирлари мажмуасида ушбу патологиянинг ривожланишининг прогностик мезони сифатида, шунингдек, ўзбек аҳолисининг янги туғилган болаларида ижобий натижаларни даволаш ва олдини олиш тактикасида қўлланилиши мумкин.

Ушбу дастур тиббиётда, яъни неонатология ва педиатрияда кенг қўлланилиши мумкин.

